

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****114 Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киришиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 22 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1337-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 декабрдаги 372-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида» 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 октябрдаги ПҚ-2422-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 1 мартдаги 563-сон қарори (рўйхат рақами 1337, 2004 йил 16 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 182-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди иккинчи хатбошисидagi «Пахтасаноат» тайёрлов корхоналарига» деган сўзлар «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти таркибидagi тайёрлов корхоналарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон фермерлари кенгаши билан келишилган.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 27 февраль,
4/2-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2016 йил 27 февраль

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2016 йил 27 февраль

*Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси*

Д. ХИДОЯТОВ

2016 йил 27 февраль

*Ер ресурслари, геодезия, картография
ва давлат кадастри давлат
қўмитаси раиси*

С. АРАБОВ

2016 йил 27 февраль

*Ўзбекистон фермерлари
кенгашининг раиси*

С. ТУРДИЕВ

2016 йил 27 февраль